

ЖАЛДЖ СЎЗИ

Газета 1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

4 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА № 173 (424).
1992 йил
Сотувада эркин нархда

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Олий ҳазратлари!

Мустақиллик кунини байрами муносабати билан сизга, сиз орқали Ўзбекистон давлати ва халқига ўзининг самимий табрикларини йўллайман. Сизга энг яхши тилакларини изҳор этаман.

Шу муносабат билан айтмоқчиманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни бошқа аъзо давлатлар каби қўллаб-қувватлайди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни давом эттириверади, деб умид билдиради.

Жаҳон халқлари дунёда тинчлик, хотиржамлик, адолат барқарор бўлишини жуда хоҳлайдилар ва буни талаб қиладилар. Бундай осойишталикни сақлашга ташкилотимиз бор кучини сарфламоқда.

Олий ҳазрат, марҳамат қилиб, меннинг юксак ишончимни қабул этсангиз.

Бутрос ГАЛИ,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!

Сизни ва сиз орқали қардош ўзбек халқини Украина халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон Мустақил деб эълон қилинган куннинг бир йиллиги билан самимий қутлайман. Мамлакат туб ўзгаришлар йўлига, теран ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш, демократик жамият барпо этиш йўлига қатъий ўтган кунга бир йил тўлди. Ҳукуматингиз ва халқингизнинг гуллаб-яшнаган замонавий давлатни барпо этиш йўлидаги куч-гайратларини биз Украинада самимий хайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз. Ҳозир Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг фойда муҳим бурилиш босқичини бошидан кечирмоқда. Ишончим комилки, давлатлараро муносабатларнинг негизлари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим яқинда имзоланганидан кейин дўст давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиб, тараққиёт ва демократия йўлидаги алоқаларимиз истиқболларини умидбахшлик билан баҳолашга асос бўлади. Сизни мустақиллик эълон қилинганлигининг бир йиллиги билан қутлаймиз, қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Эхтиром билан,
Украина Президенти Леонид КРАВЧУК.

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин, эркатойим!

СЕН 1992 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ СЕНТЯБРИДА —
АЖОЙИБ ШОДИЕНА БИР КУНДА, ЎЗБЕКИСТОН РЕС-
ПУБЛИКАСИ ОЗОД ВА МУСТАҚИЛ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИ-
ЛИНГАН КУННИНГ БИР ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ КУНИ-
ДА ТУҒИЛДИНГ.



1992 ЙИЛ
1 СЕНТЯБРЬ
КУНИ
ТОШКЕНТ
ШАҲРИ
ТУҒРУҚХОНАЛАРИДА
131 ЧАҚАЛОҚ
ДУНЁГА КЕЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг бу илқ каломи ўзбек халқи учун энг табаррук кунда ёруғ дунё юзини кўрган 131 бахтли болажон ва уларнинг бахтиёр ота-оналарига изҳор этилган дил табриги бўлиб янради.

Шу кунини, тошкентликлар ва жумҳуриятимизнинг ҳамма буржидан келган меҳмонлар байрам тантаналарини нашиданис сурнаётган бир пайтда пойтахтдаги 15 та туғруқхонада 130 аёл кўз ёрди. Байрам Ириша Шамсиддиновага кўшалоқ бахт келтирди — у ҳам ўғилли, ҳам қизли бўлди.

Мустақиллик кунинда 102 ўзбек хонадонини ва 29 та рус лаҳжалли оила янги меҳмонли бўлди. 29 хонадонга хурсандчилик олиб кирган болалар учун ўзбек тили ҳам

она тили бўлса не тонгики, ҳар бир фуқаронинг ўз она-Ватани давлат тилида бийрон сўзлаши табиий ҳолдир.

Халқда бахтни ҳам, кувончни ҳам энгизак кўришдек эзгу ният бор. Бу ният-да рўзбага чиқди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Мустақиллик кунини туғилган болаларга махсус совғалар тасвир этди. 15 та туғруқхонада биринчи бўлиб дунёга келган 15 чақалоқ номига жамғарма банкларда алоҳида ҳисоб очилиб, минг сўмдан пул қўйилди. Кичкинтойлар ўсиб-ўлғайиб 18 ёшга тулгуларича, бу пуллар банкларда «Ўзидан қўлайин» ётади. 131 янги меҳмоннинг ҳаммасига биттадан аравача, чақалоқларга мулкжалланган

«саруполар» ва ўйинчоқлар улашिलाди.

Кунини кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, туман бўлимлари вакиллари ва халқ ноибларидан иборат махсус гуруҳ аъзолари туғруқхоналарга ташириб буюриб, чақалоқларнинг ота-оналарига Президент совғаларини ва табрик хатларини тақдим этдилар. Бу жумҳуриятимиз Президентининг болажонларга табрик мактубида айтилган ушбу сатрларнинг амалдаги ибодатидир:

«Ота-онанг, халқинг, ватанинг ҳамини бахт-саодатинг учун, ёмон кунлар сенга соя ташламаслиги, қуёш беланчагида ўсиб-ўлғайиб янги асрини кутиб олишинг, юртингнинг асл фарзанди бўлиб етишинг учун раҳм-урқин қилади».

• Меҳмонларимиз

Ўқувчи маълумки, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари кун сайин ривож топиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий муносабатларнинг тобора кенгайиб, тақомиллашиб боришида парламентлараро муносабатларнинг аҳамияти ҳам катта бўляпти. Мана бир неча кундирки, Туркия Буюк Миллат Мажлиси раисининг биринчи муовини жаноб Фаҳми Ишиқлар бошлиқ парламент делегацияси республикамизда меҳмон бўлиб турибди. Махсус мухбиримиз ана шу делегация раҳбари билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Жаноб Фаҳми Ишиқлар, рўзномаимиз муштарийлари номидан Сиз бошлиқ ноиблар гуруҳининг республикамизга ташрифини табриклашга инозат этгайсиз.

— Ташаккур. — Юртимиз ҳақидаги дастлабки таассуротларингизни билдирингиз. — Тошкентда бизни жунда қизғин кутиб олдилар. Ўзбеклар тўқсонлашди. Ўзбеклар тўқсонлашди. Самарқанд вилоятларига сафаримиз ҳам бениҳоят жўшқин ва мазмунли бўлди.

Ўзбек халқи, балки бизнинг ҳам байрамимиздир. Чунки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олди. Республикангиз жамоатчилиги бу муҳим санини юксак савияда ишонлаганидан биз ҳам хурсанд бўлдик.

— Утган йили декабрь ойида Ўзбекистон Президенти хурмати Ислам Каримовнинг Туркияга ҳамда Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси жаноб Фаҳми Ишиқларнинг Ўзбекистонга ташрифи икки буюк ҳақиқат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб кетишига асосий туртки бўлди. Туркия



гулик салмоқини тажрибаларимиз бор. Қонулар қабул қилинида, Олий Кенгаши ишларини юртидаги амалий ютуқларимиз билан ҳам ўртоқлашимиз мумкин.

— Мана, бир қанча вилоятларимизда бўлдингиз. Халқимизнинг турмуши ва кайфияти билан танишдингиз. Айтингчи, Ўзбекистоннинг келажagini Сиз қандай тасаввур этдингиз?

— Ўзбеклар беназир ва меҳнаткаш халқ эканлигига амин бўлдик. Бундай халқнинг келажagini иурди, омадларга ёр бўлишига ишончимиз комил.

— Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг келажagini ҳам кўпчилигини кизиқтиради.

— Бизда бу соҳага жиҳдий эътибор берилляпти. Буюк Миллат Мажлисида Ўзбекистон Туркия парламентлари ўртасидаги алоқаларни йўналтириб туривчи кичик гуруҳ тўзилди. Бу гуруҳ мамлакатларимиз парламентлараро дўстлик шартналарини янада мустаҳкамлаш учун икки куйдиради. Яқинда Ўзбекистон халқ ноиблари вакиллари билан нобрат катта бир гуруҳнинг Туркияга ташрифи кутуляпти.

— Ўзбек халқига, Ўзбекистон халқ ноибларига қандай тилакларингиз бор?

— Ўзбек халқи саложиятлик, улуг халқ. Бу эса бизларга ҳам ёқимли. Тилагимиз ана шундай: қардошларимизнинг ватани гуллаб-яшнайсин. Халқингиз сайлаган ноибларингиз ўз олдларига қўйган мақсадларига эришишларида муваффақиятлар тилаймиз.

— Икки тилакларингиз ва мародил суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
БОЙҚЎЗНОВ.

Ватанингиз гуллаб-яшнайсин

ди. Айниқса, қадимий Бухоро ва Самарқанд ободлари қалбаларимизни ром этди. Каминанинг Бухородай муқаддас шаҳар фахрий фуқаролигига қабул қилиниши эса ўзбек халқининг бизга ишобатан катта иззат-ҳурмати бўлди, деб айта оламиз. Бундай шаҳарфа муассар бўлганимиздан бошимиз осмонга етди. Қалбимиз ифтихор ҳисларига тўлди.

— Сиз бошлиқ парламент делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини мақсадлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мақсадимиз Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини бағишланган байрам тантаналарида иштирок этиш, турк халқи ибордан отаниш табрик ва салоомларини овоз ўзбек халқига етказиш, дўстлик, биродарлик туйғуларини изҳор этиш эди. Ана шу шарафли ташрифини адо этдик. Бу байрам нафақат

Буюк Миллат Мажлиси ташкил этилишининг 72 йиллиг шодиеналарида Ўзбекистон Олий Кенгашининг раиси жаноб Шаҳид Илдошев бошлиқ парламент делегацияси иштирок этди. Бу ташриф ҳам Туркия Буюк Миллат Мажлиси билан Ўзбекистон Олий Кенгаши ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилди. Иккала парламент вакиллари бир-бирини ёрдам, ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишиб олдилар.

— Ўзбекистон Олий Кенгаши Туркия парламентидаги қандай тажрибаларини ўрганиши мумкин деб ўйлайсиз?

— Узингизга маълум Туркия Буюк Миллат Мажлиси парламентари соҳасида 72 йиллик тажрибага эга. Бизда қонун чиқарувчи юқори орган кўппартиялик асосига қурилган. Биргина мана шу соҳанинг ўзидagina ўрганиш

ТУРКИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Бугун Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси ўринбосари жаноб Фаҳми Ишиқлар бошлиқ Туркия парламент делегациясининг ташрифи ақулянади.

Делегация аъзолари Ўзбекистонда бўлиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси билан учрашишдан ташқари Олий Кенгаш комитетларининг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Суҳбатлар чоғида парламентлараро алоқаларни ҳар томонлама

янада кенгайтириш йўллари белгилаб олинди.

Юқори мартабали меҳмонлар Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ва бошқа раҳбарлари билан мулоқотда бўлишлар. Учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркия вилоятлари ва шаҳарлари ўртасида янги алоқалар ўрнатилиши ҳақида келишиб олинди. Туркия Республикаси билан алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича депутатлар гуруҳининг раҳ-

бар, Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазир У. Султоновнинг Туркия парламентидаги ана шундай гуруҳ раҳбари Жеват Сади Пелхонв ўли билан учрашувида парламентлараро алоқалар масаласи муҳокама этилди.

Ташриф чоғида меҳмонлар қатор шаҳарлардаги тўриқ ёдгорликлар ва янгитдан бунёд этилаётган даҳлар билан танишиш имконини тағам қилди. Корхона ва ташкилотларни бориб кўрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ДАВЛАТ «МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» КОРПОРАЦИЯСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика маҳаллий саноатини бошқаришни ташкил қилишни янада тақомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, халқ истеъмол моллари, халқ бадийи хунарамдчилиги буюмларини ишлаб чиқариш ҳамжамларини кўпайтиришда уларнинг таъабубдорлиги ва тадбирдорлигини ривожлантириш, шу мақсадда маҳаллий хомашдан ҳар томонлама фойдаланиш, шунингдек аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий саноат вазирлиги тугатилсин.

Давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини ташкил этиш тўғрисида маҳаллий саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг тақлифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини барча мулкчилик шаклидаги саноат, қурилиш,

савдо, лойиҳа-қонструкторлик корхоналари ҳамда маҳаллий саноатга қарашли бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ёпиқ тизимдаги ҳиссадорлик ёпиқ тизимдаги иборат иқтисодий бирлашмасидир ва у юртинг шахс ҳуқуқларига эга бўлиб, амалдаги қонунлар асосида ташкил қилинади ва иш олиб боради.

2. Республика халқ бадийи хунарамдчилиги саноат-савдо бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг шу бирлашманга давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини таркибига кирувчи республика халқ бадийи хунарамдчилиги саноат-савдо концернига айлантириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгаши вилоятларнинг ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий саноат вазирлигини, вилоят маҳаллий саноат бошқармаларини тугатилсин, тегишли ҳудудда жойлашган маҳаллий саноат корхоналари ва ташкилотларига республика ҳамда вилоят саноат-савдо концернларини ташкил қилишда ёрдам берилсин.

ТАБРИКЛАЙМИЗИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун қатор фуқароларга турли унвон ва мукофотлар берилди.

Биз Турғун Алимов, Гулчехра Жамилова, Аҳмаддон Шукуровни «Ўзбекистон халқ артисти»; Муҳаммаддон Алини «Ўзбекистон халқ ёзувчиси»; Муҳаммаддон Каримовни «Ўзбекистон халқ ҳофизни»; Алишер Мирзаев, Малик Набиевни «Ўзбекистон халқ рессомни»; Олимжон Орифжоновни «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»; шунингдек қаламкаш дўстларимиз Дилбар Маҳмудова, Жўра Холқосимов, Жаббор Раззоқовларни «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвонлари берилиши билан қутлаймиз, икюдий ютуқлар, соғлиқ-омонлик тилаймиз.

Президенти
И. КАРИМОВ.
«ХАЛҚ СЎЗИ»
ТАХРИРИЯТИ.

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ПРЕЗИДЕНТИ ИНИМ
ИСЛОМ КАРИМОВГА

Сизни ва сиз орқали Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги билан шахсан ўз номидан ва турк халқи номидан табриклайман.

Ҳақли равишда тарихда ўзини муносиб ўринни олиб турган мустақил Ўзбекистон сизнинг раҳбарлигингизда замонавий демократия қондалари негизда ўз мустақиллигини тағин ҳам мустаҳкамлашига ишончим комил.

Сиз жаноби олийларига ва қардош ўзбек халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омон-эсонлик тилаймиз.

Тургут УЗОЛ,
Туркия Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ
ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг бир йиллиги кунини самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз. Эстон халқи Ўзбекистон халқи танлаб олган йўлининг тўғрилигига ишонади, сизнинг ёш ва мустақил давлатингиз ютуқларини астойдил хурсанд бўлмоқда. Эстония ҳукумати ўтган бир йил халқларимиз ўртасидаги икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган ажойиб дўстлик аёнчаларининг мустаҳкамлигини тасдиқлаганини мамнуният билан таъкидлайди. Бу аёнчалар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги шаклларида мустаҳкамланмоқда ва камолга етмоқда. Дўстлик, ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик бундан буён ҳам мустақил Эстония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларини ривожлантиришининг бош йўналиши бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Ўзбекистон Республикаси халқига чин қалбдан тинчлик ва фаровонлик, шахсан сизга — сиҳат-саломатлик ва халқ бахт-саодати йўлидаги фаолиятингизда муваффақият тилаймиз.

Эстония Республикаси Олий Кенгашининг раиси Арнольд РЮЙТЕБ.

